

• Янгиликдан хабариниз борми?

ҲАКИКАТ АКС ЭТСА...

Пойтахтимиздаги муваққат академик илмий-тадқиқот муассасаси «Махрият» номида Урта Осиё халқлари тарихи институти тўла ҳужжат ҳисобида ўз фаолиятини бошлади. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, маънавий ҳаётимизда унвонли кўриб бериш. Тарихни тиклашда... Дарсликлардан тортиб, оддий китобларга ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши керак. Бу бизнинг ота-боболаримиз руҳи олдидаги қарзимиздир.

Муваққат институт директори, тарих фанлари доктори Х. БОБОЕКОВ билан учрашиб, янги илмий даргоҳ вазифалари ва муаммолари ҳусусида сўзлашдик.

Институтимизга, энг аввало, истеъдодли ва қобилиятли тарихчи олимларни жалб этиш, уларга мувофиқ иш ҳақи бериш учун жағма тарихчи қилишимиз лозим, — дейди Хайдарбек Назирбекович. — Бунинг учун биринчи навбатда та-

нади. Тарихимизни тиклаш, га Ўзбекистон ва бошқа республикалардаги тарихчи олимларимизни жалб этишимиз лозим. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзолари, тарих фанлари докторлари Б. Аҳмедов, А. Муҳаммаджонов, тарих фанлари докторлари, профессор Х. Зиёев, Р. Муқимов, А. Аҳмедов, тарих фанлари номзодлари М. Жураев, Т. Санакулов, республикадаги таълимчи олим, шир Махмуд Хасанов ва бошқалар бор.

Биз ҳужжат ҳисобида завод, фабрика, корхона, ширкат, шаҳар, район, вилоят ва бошқа ташкилотлар тарихини шартнома асосида ёзиб беришимиз ҳам мумкин. Бундан тушган маблағнинг бир қисми оялик маошга қолганини эса тарих фанлари ривожлантиришга сарфлаймиз.

Фаолиятимизнинг яна бир қирраси тарихимизга оид бой китобларни нашр қилишдан иборат. Бунга тарихни севган ҳар бир ватанпарвар ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлаймиз.

«Урта Осиё халқлари тарихи»нинг ҳажми 20-25 табоқ бўлиши мумкин. Унинг нархи эса 25 сўмдан кам бўлмайдди. Маблағ юборган кишиларга китобни жўнаштишга кафолат берамиз.

Институтимизда бугунги кунда Урта Осиё халқлари тарихи, Бухоро хонлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонли-

СПОРТ

ГОЛИБЛИК СУПАСИДА

● РЯЗАНЬ шаҳрида Муштақил Давлатлар Ҳамдустлиги очик чемпионати ўтказилди. Дзюдо кураши бўйича уюштирилган бу беллашуларда турли шаҳарлардан тўпланган полвонлар фахрли ўринлар учун астойдил баҳслашди. Ўзбекистон Республикаси курашчилари ҳам бундан келмастикна ҳаракат қилишди. Жумладан, тошкентлик дзюдочилардан А. Герасимов 95 килограмм унчи ўринни эгаллаган бўлса, В. Қозунин 72 килограмм вазили курашчилар сафида голиблик супасининг учинчи поғонасини эгаллади.

● ТОШКЕНТДАГИ Митрофанов номида сув спорти саройида қизлардаги мусобақа ўтказилди. Сув иштирокида республика киши чемпионати ташкил этилиб, унда турли шаҳарлардан тўпланган сувга сакраш усталари маҳорат кўрсатишди. Минорадан мўлажални аниқ олиб, сувга сакраш қоидаларини ўрига қўйишда олмалиқлик Светлана Шишқованинг олдига тушадиган спортчи топилмади. У мухлислар олқиши остида голиблик супасига кўтарилди.

● НАВОИЙ шаҳрида курашнинг шарқона турларидан ҳисобланган тазквондо бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган чаққонлик ва чапдастик беллашулар мurosасиз бахшларга айланди. 54 килограмм вазили тошкентлик Евгений Ли биринчи ўринни олди. Муштақил голиблик учун курашда мутахассислар совринли ўринини Насриддин Толиповга беришни лозим топилди. Жамоа биринчилигида Тошкент ва фарғоналик полвонлар фахрли ўринларни эгаллашди.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВЛАР

● «ПАХТАКОР» футболчилари мавсумга пухта қозирлик кўришмоқда. Жамоанинг мутасадди мутахассислари футболчиларни ўртоқлик учрашувларида машина олдирини кўпроқ эътибор қилишмоқда. Футболчиларимиз Тошкентда ўтказилган бир натор ўйинлардан кейин Душанбе шаҳрида йўл олишган эди. Бу ерда «Помир» футболчилари билан учрашув бўлди. Бу ўйинда ҳисоб олинмади. Ўринбосарлар жамоаси учрашувда эса 2:2 ҳисоби қайд этилди. Мухлислар помирчилар билан Тошкентда бўлган учрашувда ҳам дарвозалар даҳлисиз қолганини яхши билишди. Моҳир футболчи Андрей Птичкин эса МДХ терма жамоасига қабул қилинди. У 18 футболчи қатори ўртоқлик учрашувида иштирок этиш учун Нью Йоркка жўнаб кетди.

УРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

● «ПАХТАКОР» футболчилари мавсумга пухта қозирлик кўришмоқда. Жамоанинг мутасадди мутахассислари футболчиларни ўртоқлик учрашувларида машина олдирини кўпроқ эътибор қилишмоқда. Футболчиларимиз Тошкентда ўтказилган бир натор ўйинлардан кейин Душанбе шаҳрида йўл олишган эди. Бу ерда «Помир» футболчилари билан учрашув бўлди. Бу ўйинда ҳисоб олинмади. Ўринбосарлар жамоаси учрашувда эса 2:2 ҳисоби қайд этилди. Мухлислар помирчилар билан Тошкентда бўлган учрашувда ҳам дарвозалар даҳлисиз қолганини яхши билишди. Моҳир футболчи Андрей Птичкин эса МДХ терма жамоасига қабул қилинди. У 18 футболчи қатори ўртоқлик учрашувида иштирок этиш учун Нью Йоркка жўнаб кетди.

УРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

● «ПАХТАКОР» футболчилари мавсумга пухта қозирлик кўришмоқда. Жамоанинг мутасадди мутахассислари футболчиларни ўртоқлик учрашувларида машина олдирини кўпроқ эътибор қилишмоқда. Футболчиларимиз Тошкентда ўтказилган бир натор ўйинлардан кейин Душанбе шаҳрида йўл олишган эди. Бу ерда «Помир» футболчилари билан учрашув бўлди. Бу ўйинда ҳисоб олинмади. Ўринбосарлар жамоаси учрашувда эса 2:2 ҳисоби қайд этилди. Мухлислар помирчилар билан Тошкентда бўлган учрашувда ҳам дарвозалар даҳлисиз қолганини яхши билишди. Моҳир футболчи Андрей Птичкин эса МДХ терма жамоасига қабул қилинди. У 18 футболчи қатори ўртоқлик учрашувида иштирок этиш учун Нью Йоркка жўнаб кетди.

АХБОРОТ БУХОРО АДРАСИ

● Қадимий ҳунармандчилик тилкида — Бухоро адраси ишлаб чиқарила бошланди. Беқасамнинг бир тури ҳисобланган бу мато ўрмишда Бухорода жуда машҳур эди. Кейин унинг тўқилишлари унутиб юборилди. Ҳозир Марғилондаги совғасалом буюмлари ишлаб чиқариш-қасаначилик корхонасининг тўғувчилик цехида ана шу матони тўқиб ўзлаштириб олинди.

— Илгари Марғилонда бу матони тўқимасди, лекин чеварларимиз ана шу қадимий ҳунармандчиликни тиклашга муваффақ бўлдилар, — дейди корхона раҳбари А. Абдуллаев. — Бунда Т. Мирзааҳмедов бошлиқ бригаданинг хизмати катта. У қадимий хилма-хил манбаларни ўрганиб, Бухоро адрасининг сирларини яна «нашр» этди. Адрас ўтмиш замонларда Шарқнинг кўпгина бозорларида шуҳрат қозонганди. Корхонада адрасдан дастлабки либослар — чопонлар, аёлларнинг халатлари тайёрланди.

СИРДАРЕДА ҚУШМА КОРХОНА

● Республика давлат таъқиқоти Миразчул ҳудудда рўйхатга олинган қўшма корхонага «Сирдарё» номи берилди. Сирдарё вилоят пахта саноати бошқармаси, вилоят матлубот уюшмаси ва Австриянинг «Ана-ука Карричлар» фирмаси бу ишда шерик бўлдилар. Қўшма корхона бир йилда бир ярим минг тонна ерғоқнинг қайта ишлайди ва уч минг тонна қалава ишлаб чиқаради. Цехлар учун Австрия томони ускуна етказиб беради. «Сирдарё» қўшма корхонаси шу йилнинг ўзидея дастлабки маҳсулотини олиш ниятидир.

ЯНГИ ДУЖОН ОЧИЛДИ

● Тошкент районидagi Ҳасанов кишлоғида озиқ-овдат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очилди. У Илчин номи жамоа ҳўжалиги ташаббуси билан қилди. Мармар қуқунлари билан пардозланган, ойнаванд, кенг ва ёруғ савдо тармоғида харидорлар учун барча қўлайликлар яратилган. — Биз мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатамиз, дейди дўкон муллари А. Абдураев. — Ҳозир чой, печенье, мева шарбатлари ва бошқа нундалик зарур маҳсулотлар билан савдо қилмоқдамиз. Ҳасанов кишлоғи тобора жамоавий усулда туртилган шифона, ҳаммом, сарилашқона, тикув цехлари ишлаб турибди. (ЎзТАГ).

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Атоқли олим — тилшунос ва адабиётшунос, йирик педагог ва жасоратли журналист Ашурали Зоҳирий Мухаммадзоҳиров 1885 йилда Қўқон яқинидаги Ойим кишлоғида руҳоний дехқон оиласида туғилган. Олий мадраса таълимини олган. Араб, форс, рус ва кўплаб туркий тилларни яхши билган эибли эди. Уни 1937 йилда НКВД «Учлик»лари томонидан «миллатчи, аксил-инқилобчи, советларга қарши, «ботир гапчилар» миллатчилик ташкилотининг бошлиқларидан», деган тағма билан отиб ташлаган.

У ўз ҳаёти, фаолияти ва ижтимоий кечмиши давомида «Николай» подшо зулми ва 20-йилларда Шўро ҳукуматининг миллий сисёати ҳамда муштумазурларнинг қонунбузарликларидан норози ҳолда уларга қарши ҳам очик, ҳам яширин кураш олиб борган истеъкор эиэли эди.

Ашурали Зоҳирий инқилобгача «Фарғона», «Садои Фарғона», «Садои Туркистон» каби газеталар ҳамда 20-йилларда «Маориф ва ўқитгучи», «Аланга» сингари ойнамаларда кўплаб илмий, методик ва публицистик мақолаларини эълон қилдириди. Инқилобгача 52 та мақоласи босилиб, уларнинг кўпи Ўзбек тилшунослиги, луғати, имлоси, тўғри ёзуви, тиллар алоқаси, араб ва лотин имлоси муаммолари, рус тили масалалари га бағишланган ўқир мақолалар эди.

У инқилобдан сўнг ҳам 40 дан ортиқ илмий мақола, хабар ва публицистик мақолалар яратдики, булар даврининг нозик томонлари, даврининг қийинчиликлари, очарчилик бедодликлари ва уни келтириб чиқарган тузум тутумлари, адолатсизлик ва зўравонлик инфографикликлари, энг муҳими, ўзбек ва форс, озарбайжон ва туркман адабиёти ҳамда туркий тил — ўзбек тили муаммоларига бағишланган пухта асарлар эди. Ашурали Зоҳирий ўзбеклардан чиққан биринчи ва ўқир лексикограф эди. У 1926 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан 684 саҳифадан иборат 50 босма табоқли «Русча-Ўзбекча» луғат чоп эттирди. Ушбу луғат рус ёзувида берилиб, ўзбек тилида ўша 10 ва 20-йилларда фаол қўлланган сўз ва атамалар ҳамда сўз — бирикмаларини ўз ичига олади. Минг афсуски, булар ўша даврда тилимизда фаол қўлланиб,

ЎЗБЕК ЛУҒАТШУНОСЛИГИНИНГ ИФТИХОРИ



СУРАТДА: Ашурали Зоҳирий Мухаммадзоҳиров.

советлар даврида рус сўзларига ўрин буюштириб берган, ҳозирда эса истеъмолга чала-чўли олиб кириляётган тил бойликлари.

Айтиш жоиз бўлса, ушбу луғат ўз қийматини ҳозир ҳам саклаб келмоқда. Ундаги ўзбекча сўз ва тушуналар қадимдан қўлланиб келган тил унсуруларига қайтадан жон ато этиш, ўзбек тили ҳақидаги қонуний ҳаётга жорий этишининг амалий ифодаси бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу луғатнинг тузилиши, руҳияти ва тартиби ҳақида Ашурали Зоҳирийнинг изохини ҳўқиминизга ҳавола этиб, сўнгра луғатдан баъзи намуналарини келтиришни лозим топдик.

«Ўзбекчалаштиригучидан Шўролар Иттифоқида ёшагучи ўрисдан бошқа ҳар бир қавминни (она тили устига) ўрисча тил билмаги эаги руларининг зарури. Бу ҳаммамизга маълум. Бунинг бизга ҳаётини ўзи ҳаммавақт айтаётган турли эди. Лоқин ўрисча гапирини билган билан ҳам, ўрисча сингари билан ҳам, ўрисча билан бир тилнинг барча сўзига тушуниш ёки унинг барини заёт этиш ҳар кимга муяссар бўлавермайди. Бир мурожаат ўрни масалани ҳал қилиб бергучи керакдир. Шу учун

нома бериш (кишига), Ассистент — шохид, муовин, ёрдамчи. Бактрия — кўзга кўринмайдиган майда курт. Баллон — ҳавосари, буфак. Бамбук — Ҳиндистон қомуси. Басит — йўғон товуш билан ашула қилиш ёки сўзлаш. Беэбожик — илоҳсиз, даҳрий. Биржа — савдо ва ҳўнар аҳиллари йиғилган ўрин, извошчилар тўпланиб турадиган ўрин. Боцман — уруш кемаларидаги аскарларнинг ўн бошиси. Вербовка — аскарликка одам йиғиш, сайлов. Вертушка — саботсиз қиз бола. Вешение — олиш, осиш, тоқиб. Вино — ҳамирарак, шароб. Володос — гаввос, сув тағига тушувчи. Гаринтур — тоқим, зийнат, бирор бутун нарсанинг майда чўйда асбоби. Геометрия — илм ҳандаса. Геология — ер илми, илм табиқатилар. Глобус — куран мўсаммаа. Гонор — ҳаволиқ, ғурурлик, ўнда йўқлик. Грабли — тирмович, ҳаскаш, тирмо. Градусник — мезонли ҳарорат. Давитатель — қўзғатувчи, ҳаранатта келтирувчи (олма). Дебитор — қарздор киши. Дотма — ақнда. Догматика — илм ақонд. Доза — дори миқдори (бир ичтимлик). Доклад — рапорт, арз, баён. Жельч — ўт, сафро, аччиқ. Жетон — бирор воқеа хотирасига берилган мўкофот, нишон, медал. Загон — подажой, ўтлоқ, яйлоқ. Заседатель — ҳакам, мангилсада ўлтирувчи бир маҳкаманинг аъзоси. Заговор — қопқоқ, қоплоғи, ёпиқ. Завет — ҳисоққа кирган, махсус. Инстинкт — майл, табиат, сезиш сақ, табиий, ўйланмасдан табиий ҳолда кўнгул бир нарсани тилиши. Инструктор — ўргатувчи муаллим. Карат — қирот, олтин, олмақ ўлчови. Картография — жуғрофия ҳаритаси тартиб этиш фани. Расписна — имзолы ҳужжат, варақ. Араб ёзувидан ҳозирги графикага агардан ва нашрга тайёрлаган Ҳайдарали УЗОҚОВ.

БУ — ҚИЗИҚ

ОМАДСИЗ КУЁВ

ҚОҲИРА, (ТАСС мухбирини Олег Зуенко). Опишмашуқлар. Бир-бирлари билан қилдор кўришиш учун қандай усулларни ўйлаб топилмайди, дейиш. Араб мамлакатларида ҳамона амал қилиб келатган ислом шариятига кўра куёв ўз қайлигини биринчи марта тўйдагина кўради. Бироқ қўнайлик йигит Аҳмад ўзининг удабуронлиги туфайли келинини кўриш учун ёқда турсин, ҳатто узоқ вақт давоминда унинг ота-онаси унда бемалол уч-

УЛОҚ ҲАҚИДА

Улоқ ўйинининг ёши нечада! Уни аниқлаш адабиётшунослар, тарихчилар, археологлар ва этнографларга боғлиқдир. Инсон боласи от эгарлаган замонлардан бун улоқ ўйини расм бўлган бўлиши мумкин. Одам ўн минг йилдан бун от минаётган бўлса, демек бу ўйинининг ёши ҳам шунчадир, балки.

Улоқда қатнашётган чавандоз бургутдек олғир, починдек учқур бўлиши лозим. Уни томоша қилган киши бир олам завқ олади, баҳр-дилли очилади, гўё ўзини чавандоз каби ҳис этади. Бу қадимий ўйин юрт осойишталиги, одамлар саховатли эканлигиндан далолат беради.

Суратда: Наманган вилоятининг Задарё ноҳиясида юзлаб қарғий Янгитлар майдон узра самаларга қамчи босди.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) сурати.



БОШ МУҲАРРИР Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир хайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУХОММОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. К. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ХИҚМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганчи ва хатлар — 32-11-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06 қайта кўриш ва таълимий адолат — 32-55-70, 22-53-20; партия рапорт — 33-12-25, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қўрилиш ва аҳоли — 33-47-30, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; истиқолият ва — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-50-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, савдо ва қарбчи ваколатхона — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; умумхўжалиқ — 32-55-17; Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-26-12, Жизгонда — 2-63-48, Жиззакада — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«УРАЛ» КИЧИК КОРХОНАСИ ФИРМАСИ

БОЗОР НАРХЛАРИДАН АРЗОН НАРХЛАРДА қўйидаги биржаларнинг АКЦИЯЛАР ТўПЛАМЛАРИНИ ВА УЛАРДАГИ БРОКЕРЛИК ўРИНЛАРИНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

— НОЯБРЬСК ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИДА (Тюмень вилояти, Ноябрьск шаҳри), БРОКЕРЛАРИ «ГЕРМЕС» ТЮМЕНЬ-МОСКВА БИРЖАСИ (Москва шаҳри) ва ТЮМЕНЬ ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ (Тюмень шаҳри)да рўйхатга олиш ҳуқуқи билан, Брокерлик ваколати билан бирга акциялар тўпламларининг баҳоини 1300000 сўм.

АКЦИЯЛАР ТўПЛАМЛАРИ:

— УРАЛ ТОВАР-ХОМ АШЕ БИРЖАСИ (Екатеринбург шаҳри)да 200000 сўм.

— БРОКЕРЛИК ўРИНЛАРИ:

— «АЛКОГОЛЛИ ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР» БИРЖАСИ (Екатеринбург шаҳри)да 200000 сўм.
— МИНТАҚАЛАРА ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БИРЖАСИ (Екатеринбург шаҳри)да 200000 сўм.
Кўрсатилган акциялар ва брокерлик ўринларининг маълум қисми «Тошкент» биржасининг жағмага бўлимида 30 январь кунини ўтказилган дастлабки савдо-сотиқларга қўйилади.

ИШБИЛАРМОНЛАР ВА БИЗНЕСМЕНЛАР, СИЗЛАРНИ КўТАМИЗ!

«УРАЛ» КИЧИК КОРХОНАСИ ФИРМАСИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

ҚАЙСИ БИРИ ФЙДАЛИ? УЗИНГИЗ УЙЛАНГИ!

ТЮМЕНЬ ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ (Тюмень шаҳри)нинг 3000000 сўмлик
«ГЕРМЕС» ТЮМЕНЬ-МОСКВА БИРЖАСИ (Москва шаҳри)нинг 2500000 сўмлик

АКЦИЯЛАР ТўПЛАМИНИ

ЭКИ НОЯБРЬСК ТОВАР-ЖАМҒАРМА БИРЖАСИ (Тюмень вилоятидаги Ноябрьск шаҳри)нинг
АКЦИЯЛАР ТўПЛАМИНИ 1300000 СўМГА СЎТИБ ОЛИШ БИЛАН
Сиз юқорида кўрсатиб ўтилган биржалардаги савдо-сотиқларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритасиз. Мулоқот телефони: 67-04-65.

НОЯБРЬСК биржасининг акцияларидан маълум бир қисми «ТОШКЕНТ» биржасининг жағмага бўлимида шу йилнинг 30 январьда ўтказилган дастлабки савдо-сотиқларга қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРМОҚЛАРАО ҲИСОВА ОЛИШ, ИҚТИСОД ВА БОШҚАРУВ ИЛМГОҲИ

ҳалқ ҳўжалиги мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлимида

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИЖОРАТ БЎЛИМИ (қайта тайёрлаш) — ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, валюта амаллари, халқаро ҳисоб китоб шакллари, нарх-навоининг ҳосил бўлиши, чет мамлакатларга мол чиқариш ва чет мамлакатлардан мол келтириш битимлари, тижорат таваккали суғуртаси, боқнонага оид бошқарув, бизнесни ташкил қилиш ва бошқарув.

БРОКЕРЛИК БЎЛИМИ (қайта тайёрлаш)

— биржа савдоси қоидалари, нарх-навоининг ҳосил бўлиши, товар бозорлари таҳлили, жағмага бозорларидаги амаллар, ҳисобхона, солиқларга оид бошқарув, банклар билан муносабатлар, брокерлик идораларида ҳўжжатлаштириш.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ БЎЛИМИ

(қайта тайёрлаш)
— Давлат корхоналари ва ташкилотлари, кооперативлар, акционерлик ва ижарачи корхоналарида бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалиқ фаолияти таҳлили, тафтиш ва назорат; — аралаш сармоли қорхоналарида ҳисобга олиш, чет элликлар ташкил этган корхоналарда ҳисобга олиш, солиқ солиш тизимлари, аудит, кредит муносабатлари.

ИНФОРМАТИКА, ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА МАЪЛУМОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ

(қайта тайёрлаш)
— хусусий ЭҲМда дастурлаштириш, хусусий ЭҲМдан фойдаланувчинини ўқитиш, хусусий ЭҲМни ишлашга ўқитиш, хусусий ЭҲМда компьютер савдоқонлигига ўқитиш. ўқитиш ҳақи — 300 сўмдан 800 сўмгача.

ТИЛ ВА ХИЗМАТГА ОИД НУТҚ БЎЛИМИ

— инглиз, немис, франсуз, испан ва турк тилларини ўргатиш.

ҲИСОВЧИЛАР ТАЙЕРЛАШ БЎЛИМИ

— халқ ҳўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисоби (саноат, қўрилиш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, таъминот-сотиш ва савдо ташкилотларида, бюджет муассасаларида, кооперативларида, кичик ва қўшма корхоналарда ихтисослаштирилган билан). ўқитиш ҳақи — 1500 сўм.

ўқитиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида, шунингдек бюрутмика билан келиштилган ўқув режасига мувофиқ олиб берилади.

Мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича тўлиқ таълим курси учун 4200 сўмдан 6 минг сўмгача ҳақ тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги бўлимида — 5 ойгача, кечки бўлимида — 8 ойгача, ишлаб чиқаришдан қисман ажралган ҳолда эса — 14-16 ойгача.

Курс ниҳоясида қайта тайёрлов тингловчиларига белгиланган намунадаги диплом берилади, тайёрлов бўлимининг тингловчилари эса малака бериладигани кўрсатилган гувоҳнома оладилар.

Манзилимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй (Черкасские кўчаси тарафидан қилинади). Ҳисоб рақамимиз 000609958, 300168004 Тошкент шаҳар Киров саноат қўрилиш банкда. МФО № 172682304. Телефонлар: 67-24-62, 68-54-52, 67-19-03, 67-19-13.